

кўрсаткичи ва ҳақиқий истеъмол қилинган иссиқлик энергияси бўйича ҳисобот расмийлаштирилади (4-Илова), у узатилган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг бирламчи ҳужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари тақдим этилган бўлса, улар бўйича ҳисобот бир томонлама тартибда тузилади.

"Иссиқлик таъминоти корхонаси" истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобни ўрнатилган шакл (5-Илова) бўйича амалга оширади ҳамда ҳисоб-варақасини ёзиб "Истеъмолчи"га топширади.

Шу билан бир вақтда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" ҳисоб-варақасига асосан хизмат кўрсатувчи банк орқали "Истеъмолчи"нинг ҳисоб рақамидан акцептсиз равишда ечиб олиниши учун ҳисобот ойига ҳисобланган ва амалга оширилган тўловлар суммаси айирилган қиймат бўйича тўлов талабномасини тақдим этади.

"Истеъмолчи" ҳар ойда иссиқлик энергияси учун шартномавий миқдорнинг **15%** (фонд кўрсатилсин)

фонд миқдорда тариф бўйича қонунчилик билан ўрнатилган тартибда олдиндан тўловни амалга оширади. 3.11. "Истеъмолчи" томонидан ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларидаги нуқсонлар ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда йўл қўйилган хатолар аниқланган тақдирда "Истеъмолчи" бир ҳафта муддатда бу ҳақда "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га ариза бериши керак.

Ҳисобга олиш приборларини текшириш тўғрисида ариза берилиши "Истеъмолчи"ни у истеъмол қилган иссиқлик энергияси учун тўловни белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди. 3.12. Узатилган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" "Иссиқлик таъминоти корхонаси"га 1 Гкал учун **168 997.53** сўм тарифи бўйича тўлайди.

(нарсх)
3.13. Тўлиқ етказиб берилмаган иссиқлик энергиясининг миқдори ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Чеклаш вақти "Иссиқлик таъминоти корхонаси" диспетчерлик хизматининг оператив дафтаридagi ёзувлар бўйича аниқланади ҳамда икки томонлама далолатнома билан расмийлаштирилади.

"Иссиқлик таъминоти корхонаси"нинг айби билан "Истеъмолчи"нинг технологик эҳтиёжларига иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ҳисобга олиш приборлари бўйича, иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткадан олдинги 3 суткадаги иссиқлик энергиясининг ўртача суткалик истеъмоли билан иссиқлик энергияси тўлиқ етказиб берилмаган суткада амалдаги истеъмол ўртасидаги айирма сифатида аниқланади.

3.14. Ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғрилиги ёки иссиқлик энергияси сарфини ҳисоблашда хатоларга йўл қўйилганлиги тасдиқланган тақдирда "Иссиқлик таъминоти корхонаси" охириги ҳисоб-китоб давридаги иссиқлик энергияси сарфини тегишли равишда, "Истеъмолчи"нинг вакиллари билан биргаликда далолатнома тузиб, қайта ҳисоб-китоб қилишга мажбур.

Йўл қўйилган хатолар бўйича бажарилган қайта ҳисоб-китоб кейинги ҳисоб-китоб даврида истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун навбатдаги тўлов ҳужжатини ёзишда ҳисобга олинади.

3.15. "Истеъмолчи"ларга иссиқ сув эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган 40°— 45°С ҳароратдаги иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоблар иссиқ сув учун тариф бўйича 50 фоизли чегирма билан амалга оширилади.

3.16. Тарифлар ўзгарган тақдирда, улар амалга киритилган вақтдан бошлаб ҳисоб-китоблар, янги тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун "Истеъмолчи" томонидан тўловлар, ҳисоб-китоб ойидан кейинги 30 календарь кун мобайнида амалга оширилади.

3.17. Шартномавий иссиқлик юкламасини ўзгартириш "Истеъмолчи"нинг буюрмасига кўра "Иссиқлик таъминоти корхонаси" томонидан ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

- а) иссиқлик энергиясидан фойдаланиш шартномасига мувофиқ иссиқлик таъминоти корхонасидан иссиқлик энергиясининг узлуксиз етказиб берилишини талаб қилиш;
 - б) иссиқлик энергиясини етказиб бериш режимини назорат қилиш, иссиқлик энергияси параметрларининг шартномавий миқдорлардан четга чиқишига йўл қўймаслик:
- иссиқ сув етказиб бериш бўйича:
- иссиқлик берувчи қуурда сув ҳарорати бўйича - 3 фоиздан ортиқ (+);
 - иссиқлик берувчи қуурда сувнинг босими бўйича 5 фоиздан ортиқ (+);
 - иссиқлик берувчи қуурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишга йўл орқага қайтадиган қуурда сувнинг босими бўйича - 20 кПа ортиқ (+) четга чиқишга йўл қўймаслик. Бунда параметрлар ўртача суткалик миқдор сифатида олинади;